



БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 71 (2104).

10 апрель, сешанба, 1962 йил.

Баҳоси 2 тийин.

ЕТТИ ЙИЛЛИККА МУНОСИБ ҲИССА

Коммунистик партиянинг КПСС тарихий XXII съезди қабул қилган янги Программаси совет халқи олдида улғувор перспективалар очиб бермоқда. Савимди Ватанимиз эконоимикаси янада юксалтириш ҳамда халқ фаровонлигини ошириш учун илҳом билан иккидунги меҳнат қилишга қорламоқда.

Бутун совет халқи сингари Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам Н. С. Хрущевнинг коммунизми миллионларнинг меҳнати ва ҳаққат меҳнати билан барпо қилиш мумкин, деган сўзларини эсда тутиб, мамлакатимизда коммунизм курилиши ишига ўз муносиб ҳиссаларини қўшишга қатъий бел боғладилар.

Биз, Ўзбекистон ССР саноати, қурилишлари, транспорт ва алоқа органларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари жонжон Коммунистик партия XXII съездининг қарорларидан руҳланиб, коммунизмнинг моддий техника базасини яратилиш, иш таълаштириш, етти йилликнинг тўртинчи йили бўлган 1962 йил планини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдиришга қарор қилдик ҳамда ўз имкониятларимизни чамалаб қўриб, зимманига қўйидаги социалистик мажбуриятларни оламиз:

САНОАТ СОҲАСИДА

Янги маҳсулот ишлаб чиқариш ва қўлчиллик энг муҳим бўларини ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан олдин, 26 декабрда бажариш, меҳнат унвдорлигини ошириш топиригини 8,5 процент ортти билан бажариш, маҳсулот таннаҳинини пландан ташқари қаматириш йўли билан қамида 7 миллион сўмини тежаш.

Планда ташқари 71 минг тонна кўмир, 13,5 минг тонна нефть ва 26 миллион кубометр табиий газ чиқариш, 750 минг сўмлик кабел маҳсулоти, 18,7 минг тонна цемент, 5,5 минг тонна пахта толаси ва 1,6 минг тонна жуфт метр толаси ишлаб чиқариш. Халқ истеъмол қилаётган товарлар ишлаб чиқариш планини ортти билан бажариш, шу жумладан пландан ташқари 220 минг метр шойи газлама, 275 минг жуфт пайпоқ, 166 минг жуфт чарм пофазал, 230 минг сўмлик мебель, 1860 тонна ўсимлик мейи, 2260 минг шартли банка ҳисобида консерва ва 1000 тонна гўшт тайёрлаб чиқариш.

Ҳаёт уюмни ва тежамли ишлайдиган мукамилроқ машина, аппарат, приборларнинг 55 та янги нусхасини ҳамда халқ истеъмол қилаётган товарларининг 730 та янги хилини яратиш ва ишлаб чиқаришни ўлаштириш. Булар орасида тўқимачилик ва ирригация машиналари, кўтарма қранлар, пахтачиллик учун ўзйорлар шассига ўрнатилган машиналар комплекси, пахта тозалаш санюати учун машина ва приборлар, электр вакуум приборлари, химия санюати учун ускуналар ва турбокомпрессорлар, ситловия трансформаторлар ва ускуналар автоматлари бўлади.

Ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаш, тириш топириқларини ортти билан бажариш 21 цехни, 298 участкани комплекс механизациялаш, қамида 24 та автоматик ва ярим автоматик, 52 та механизациялашган поток ва технология линияларини ҳамда 3500 метрдан

Ўзбекистон ССР саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа ходимларининг 1962 йилги социалистик МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ортық конвейер ва транспортларини фойдаланишга топириш. Программа билан бошқариладиган 28 та станокни тайёрлаш ва ўрнатиш, ишлаб турган технология ускуналаридан 2020 донасини модернизациялаш, 565 та автомат ва ярим автоматни, махсус ва агрегат станокларини тайёрлаш ва ўрнатиш.

Тежам қилинган материаллар ҳисобига пландан ташқари 60 та ХВС — 1,2 маркали пахта териш машинаси, 50 та чигит сейлкаси, сейлкалар учун 1000 комплект мослама тайёрлаб бериш.

Пахтаки қоп-қанорисиз ташийдиган ГАЗ—70 маркали 100 та автопоезд ишлаб чиқаришни ўлаштириш ва муддатидан олдин тайёрлаб бериш.

Қамида 34 миллион киловатт-соат электр қувватини, 50 тонна мисни, 130 тонна алюминийни, 330 тонна тозаланган мойни, 9900 тонна пахта, 130 тонна пахта толасини тежам қилиш.

Рационализация ва ихтироичилик соҳасидаги тадбирларни жоғи қилиш йўли билан бир йилда 16 миллион сўмини тежаш.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини ва фойдаланишдаги ишчиллик ҳусусиятини ошириш учун курашни янада кенг авж олдириш. Ёнгил саноатга қарашли 9 корхонада маҳсулотларни савдо базаларининг контрол тежиривисиз топириш имконини берадиган тадбирлар комплексини амалга ошириш.

Янги техника ва илгор технологияни муваффақиятли ўлаштириш учун 20 минг малакали ишчи тайёрлаш ҳамда 38 минг ишчи билан 6400 инженер-техник ходимнинг малакасини ошириш.

ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА

Қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини ҳамда қурилиш индустрияси корхоналари томонидан янги маҳсулот ишлаб чиқариш планини 25 декабрда бажариш.

Энг муҳим саноат объектларини, шу жумладан: Фарғона азот ўғитлар заводининг биринчи навонини, Оҳангдор цемент заводи, янги иккинчи технология линиясини, йилига жами 175 минг квадрат метр уй-жой бериш қувватига эга бўлган йирик панеллардан ўй қуриш заводларини. Оҳангдор ГЭСининг турбогенератор ва и.и. Олтинтопан қўроқшироқ-руҳ комбинатидаги ва Фарғона нефть қайиш ишлаш заводидаги ишлаб чиқариш қувватларини муддатидан олдин ишга тушириш.

672 минг квадрат метр уй-жой майдонини, шу жумладан саҳни 180 минг квадрат метр бўлган йирик панелли уйлари муддатидан олдин фойдаланишга топириш. Планада белгилангандан ташқари 10 минг ўқувчиға мўлжалланган мактаб биноларини қуриб бериш, янги қурилиш, ишлаб турганларини кенгайтириш ва маъмурий биноларни мослаштириш ҳисобига мактабга ешдаги болалар муассасаларидаги ўғиллар сонини 21400 тага қўпайтириш.

180 километр узунликтаги газ шохобчалари қуришни муддатидан олдин тугаллаш, қамида 64 та са

ноат корхонасини табиий газга қўчириш ҳамда 71 минг квартирани газлаштириш.

Вегетация давридаги сўғориш бошланғичи Тошкент сув омборида 170 миллион кубометр, Чимқўрғон сув омборида 300 миллион кубометр ва Жанубий Сурхон сув омборида 150 миллион кубометр сув тўпланишини таъминлайдиган сув ҳўжалиги қурилиш-монтаж ишларини муддатидан олдин бажариш.

ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА СОҲАСИДА

Темир йўлларда юк ташийш қамида 400 минг сўм фойда олинишига эришиш. Тошкент темир йўлига қарашли ҳамма корхоналарнинг рентабел ишлашини таъминлаш, 250 километр узунликтаги йўлда автобўлжонлиқ муддатидан олдин фойдаланишга топириш.

Автомобиль транспортда йиллик пландан ташқари 7 юз минг тонна юк ташийш бериш. Устига қарамой қопланадиган 800 километр узунликтаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш йиллик планини 25 декабрда бажариш; автомобильларда юк ташийш бўйича меҳнат унвдорлигини ошириш планини 1 процент ортти билан бажариш.

Пассажирларга хизмат қўрсатишни яхшилаш, темир йўл, автомобиль ва ҳаво транспортда қатнов хавфсиз бўлишини таъминлаш.

Алоқа корхоналари ва ташкилотларда йиллик планни 28 декабрда бажариш, шаҳарларда 9 минг номерли 5 та янги автомат телефон станцияларини муддатидан олдин фойдаланишга топириш ҳамда пландан ташқари 4 мингта радиоточка ўрнатиш.

Биз олдинги социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун давримизнинг ажойиб ҳаракати бўлган коммунистчасига меҳнат қилиш, корхоналарда ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш мусобақасини янада кенг авж олдираш, меҳнатни ташкил этишни муттасил тақомиллаштириб борамиз, ишлаб чиқариш ишқорлари ва новаторларини тажжубусини қувватлаймиз ва ёшамиз, фан ходимлари билан ишлаб чиқариш ходимларининг ҳамкорлигини ривожлантирамеиз.

Биз Белоруссия ССР ва Иваново области корхоналари ҳамда ташкилотларининг меҳнаткашларига мурожаат қилиб, уларга етти йилликнинг тўртинчи йили топириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани давом эттиришни ва тагин ҳам кенг авж олдиришни таклиф қиламеиз. Биз ана шу мажбуриятларни қабул қилиш билан КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳўкумати ишонтириб айтамеизи, КПСС XXII съезди тарихий қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун ўзимизнинг бутун куч-қувватимизни ва билимларимизни сарфлаймеиз.

Социалистик мажбуриятлар Ўзбекистон ССР саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналари ҳамда ташкилотларининг коллективлари томонидан мўжода этилган ва қабул қилинган.

ТАСС ахбороти

Ўрта Чирчиқ районидидаги «Полярная звезда» колхозининг азамат пахтакорлари шу кунларда ҳар қанчогидан ҳам қизгин ишламоқдалар. Колхознинг 4-участкасидаги Эркабой Мўминов бошчилиқ қилаётган бригада пахтакорлари етти йилликнинг тўртинчи йилида 97 гектар ердан пландаги 27,5 ўринга 31 центнердан «оқ олтин» кўтариш учун сўз берганлар. Халқ ва она. Батан олдидаги ана шу шарафли бурчин адо этиш учун бригада деҳқонлари сидқидилдан меҳнат қилаётганлар. Бригадининг моҳир механизатори Ким Иван, сейлкачи Ўзоқбой Аҳмедов, регулировкachi Ҳолиирза Ўрнибев ўртоқларининг баракали меҳнатлари туфайли 87 гектар ерга чигит сифатли қилиб экиб бўлинди. Суратда: охири қартага чигит экиш пайти.

А. Абалаян фотоси.

Квадратлар кўзга ташланди

ПИСКЕНТ. (Ўз мухбиримиздан). Тельман номли колхозининг ўртоқ Г. Сафанов бошлиқ бригада аъзолари экишни колхозда биринчилар қатори тугалладилар. Бу бригадада 80 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экилди. Олди экилган қарталарда квадратлар кўзга ташланди. Бригада аъзолари гўзага биринчи ишлов беришга ҳамма нарсани тахт қилиб қўйиш учун курашмоқдалар.

Колхознинг бошқа бригадаларида ҳам экиш қизгин борапти. Мана, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Ҳакимполон Қодилов бошлиқ бригада далалари. Квадрат-уялаб экивчи экипаж аъзолари тиним билмай меҳнат қилмоқдалар.

— Мўл ҳосил етиштириш учун ишни бошидан пухта қилмоқдамеиз, — дейди Ҳакимполон Қодилов, — ериг экишдан олдин икки марта бораю қилдик, сўнгра ораксидан тахта мола бостирилди, бу намини ўзоқ

сақлаб қолиш имкониятини беради. Еримиз 125 гектар, ўтган йили ҳар гектар ерда 95—100 минг тул қўчат сақлаб қолган эдик. Бу йил 105—110 минг тул қўчат учун кураш кетапти.

Бу бригада аъзоларининг фидокорона меҳнати туфайли ҳозиргача 90 гектарга яқин майдонга квадрат-уялаб чигит экиб бўлинди. Квадрат-уялаб чигит экишда тракторчи Жадилов Исаев, сейлкачи Абдуалим Сатторов, контролер Ҳаким Ибрагимов, айниқса, гайрат қўрсатмоқдалар. Дастлабки экилган чигитлар унуб чиқди.

Тельман номли колхоз пахтакорлари бу йил 690 гектар ерга чигит экадилар. Ҳар гектар ердан 30 центнердан пахта топириш мажбуриятини олган. Пешқадам бригадаларининг қўлга киритган дастлабки ютуқлари бу мажбуриятнинг шараф билан бажарилишини қўрсатиб турибди.

Биринчи парваришга тайёргарлик

Коммунист ўртоқ Куку Муғазиз бошчилиқ қилаётган бригада аъзоларининг ишдан ҳамма хурсанд. КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларидан руҳланган бригада аъзолари чигит экишни уюшқорлик билан бошлаган эдилар. Кеча улар дастлабки галабани қўлга киритганликларни тўғрисида рапорт бердилар. Мавжуд 143 гектар пахта майдонига чигит экиб бўлинди. Шундан 15 гектар ерга 60х60 схемасида, 128 гектар ерга 60х50 схемасида чигит экилди. Механизаторлардан Раффов, С. Жемалиев, А. Габоров ўртоқлар

ҳар кун 6—7 гектар ерга чигит экидилар.

Қуйи Чирчиқ районидидаги «Ўзбекистон ССР беш йилиги» совхозининг 3-булимидидаги бу бригада аъзоларининг шу кеча-кундуздаги ҳаракати гўзага биринчи ишлов беришга тайёргарлик қўришга қаратилган. Дастлаб экилган ерларда қвал-чат белгиланган миқдорда қўчат сақлаб қолиб, мўл ҳосил етиштиришга аҳд қилган бригада ишчилари дастлабки ишлар квадратлардан қўмонмоқдалар.

Ш. НИҒМОНОВ.

Область районларида чигит ва маккажўхори экишнинг бориши тўғрисида 9 апрелгача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планта нисбатан процент ҳисобида)

Районлар ва территориялар бошқармалари	Чигит экиш			Маккажўхори экиш		
	Маъсум бошдан бери	Квадрат-уялаб экиш	Шу жумладан чигитнинг аниқ миқдорда таш-лаб экиш	Маъсум бошдан бери	Шу жумладан квадрат-уялаб экиш	Шу жумладан квадрат-уялаб экиш
Оққўрғон	61,8	63,3	44,7	67,4	79,5	79,5
Бўёқ	55,6	43,3	34,6	58,8	69,5	69,5
Пискент	60,2	45,0	20,9	65,2	86,7	86,7
Ўрта Чирчиқ	55,9	33,9	12,7	72,0	64,6	64,6
Чирчиқ бош. қармаси бўйича	58,1	45,4	26,1	66,0	73,8	73,8
Оҳангарон	—	—	—	48,0	34,5	34,5
Вустонлиқ	—	—	—	52,0	68,2	68,2
Калинин	—	—	—	77,6	64,8	64,8
Оржоникидзе	73,4	34,6	19,2	70,7	33,4	33,4
Тошкент бош. қармаси бўйича	74,0	34,6	19,2	82,2	47,6	47,6
Юкюр Чирчиқ	32,8	42,5	—	80,1	69,6	69,6
Қуйи Чирчиқ	95,1	92,2	70,8	77,2	143,8	143,8
Чиноз	68,8	61,0	20,7	55,3	58,1	58,1
Янгийўл	71,3	59,0	45,8	59,0	50,6	50,6
Янгийўл бош. қармаси бўйича	71,5	66,0	49,1	69,4	80,8	80,8
Тулистон	35,1	31,7	7,0	54,9	60,9	60,9
Комсомол	46,8	48,4	22,6	96,0	344,1	344,1
Сирдарё	49,2	51,1	18,8	74,5	160,6	160,6
Сирдарё бош. қармаси бўйича	44,3	45,7	17,5	75,6	145,6	145,6
Беноеб	38,7	38,0	6,9	66,1	115,0	115,0
Янгийер	27,4	23,6	4,8	73,6	113,8	113,8
Янгийер бош. қармаси бўйича	32,5	30,2	5,7	70,2	114,3	114,3
Область бўйича	51,6	43,8	20,7	68,6	88,1	88,1

РЕДАКЦИЯГА *Келгач* ХАТЛАРАН



